



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

АҲОЛИ ТУРМУШ СИФАТИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Пардаев М. Қ.

Халқаро Турон Фанлар академиясининг академиги, Самарқанд иқтисодиёт
ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.
pardaev_mk@mail.ru.

Абилов Ф. Н.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти мустақил изланувчиси
feruzabilov@gmail.com.

Аннотация

ушбу мақолада аҳоли турмуш даражасининг прогнозлаштирилаётган маълум даврига оид ҳолатини акс эттирувчи кўрсаткичлар ва уларнинг қийматларига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: аҳоли, турмуш даражаси, миллий маҳсулот, даромад, ишлаб чиқариш, ишчи кучи.

Аннотация. В данной статье особое внимание уделяется показателям и их значениям, отражающим ситуацию с уровнем жизни населения в прогнозируемый период.

Ключевые слова: население, уровень жизни, национальный продукт, доход, производство, рабочая сила.



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

Abstract: This article focuses on indicators and their values reflecting the population's standard of living during the forecast period.

Key words: population, standard of living, national product, income, production, labor force.

Турмуш даражаси турли неъматлар ва хизматлар даражасининг нақадар тўғри ва самарали ташкил этилганлига боғлиқ жараёндир. Уларга бўлган оқилона эҳтиёжни қондириш босқичидан ташқари, инсонни ҳар томонлама эркин камол топтириш, янги инсонни шакллантириш учун вужудга келтирилган бир қатор шароитларни ҳам ўз ичига олади. ҳар томонлама эркин камол топтириш шароитлари деганда меҳнат ва маишат, дам олиш ҳамда уй-жой шароитларини, ишдан ташқари вақт ва ҳоказоларни тушуниш керак. Бундан ташқари, ана шу ижтимоий-иқтисодий шароитлар жумласига турмуш даражасининг тўхтовсиз ўсиш жараёнини таъминловчи, шунингдек ана шу жараёни реализация қилишга жамият ва давлат томонидан йўналтирилган фаолият ҳам киради.

Аҳолининг турмуш даражаси ижтимоий иқтисодий тушунча бўлиб, у кишиларни моддий ва маънавий –маърифий эҳтиёжининг қондирилиши ҳамда турмуш шароитининг яхшиланиш даражасини тавсифлайди. Моддий-эҳтиёжларга кишининг озиқ-овқат, кийим–кечак, турар-жой, ёқилғи, маиший коммунал хизмат кўрсатишни яхшилаш қабиларга бўлган эҳтиёжлари киради. Маънавий-маърифий эҳтиёжларга кишиларнинг билими, малакаси ва маънавий–маърифий савиясини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш қабиларга бўлган эҳтиёжлари киради. Аҳолини турмуш даражасини ривожлантириш кўрсаткичлари бу ҳар бир мамлакатни



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

иқтисодий ўсишини кўрсатишдир. Шунинг учун ҳар бир мамлакат аҳоли турмуш даражасини ошириш учун интилади ва уни давлат сиёсатининг асосий мақсади деб билади.

Аҳолининг истеъмолини прогноз қилишда унинг турмуш даражаси, меҳнат унумдорлиги ўсишига таъсир қиладиган омиллар аниқланиши керак.

Аҳолининг турмуш даражасини, истеъмолини қулайлаштириш ва прогноз қилишда тиббиёт истеъмол қилиш меъёрларидан фойдаланилади. Лекин прогноз қилишда фақат меъёрлардан фойдаланиш билан чекланмасдан, ижтимоий–иқтисодий, илмий–техникавий ва хўжалик–ташкилий тадбирлар мажмуини ҳам олиб бориш керак. Ижтимоий- иқтисодий тадбирлар ўз ичига товарларга бўлган баҳоларни, хизматларга бўлган таърифларни, аҳолининг даромадларини ва харажатларини тартибга солишни, замон талабларига қараб режалаштириш жараёнини такомиллаштиришни ўз ичига олади. Илмий-техникавий тадбирларга маҳсулот ассортиментини такомиллаштириш, турмуш жараёнида янги техника ва технологияни, автоматлаштирилган ахборот базаси материалларининг янги турларини ишлатиш киради.

Аҳоли турмуш даражасининг прогнозлаштирилаётган маълум даврига оид ҳолатини акс эттирувчи кўрсаткичлар (масалан, аҳолининг турмуш фаровонлигига оид кўрсаткичлар, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан тиббиёт меъёрлари даражасида таъминланганлик кўрсаткичлари, аҳолининг ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларининг меъёрий ўлчамлари ва ҳ.к) ва уларнинг қийматлари қўйилган мақсадларга жавоб бермаслиги мумкин. Талаб ва истеъмол қонуниятларини ўрганиш истеъмолнинг мақсад функциясини шакллантириш имконини беради.

Чунки иқтисодий ўсиш қуйидагиларни билдиради:



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

- миллий маҳсулот ҳажмини ва даромадни муттасил кўпайишини, демак оқибатда эса аҳоли турмуш даражаси ўсишини;
- ишлаб чиқариш фондларини ва ишчи кучларини хўжалик оборотига янада тўлароқ жалб қилишни, яъни жамиятнинг чегараланган ресурсларидан тўғри фойдаланишни;
- шахсни ривожланишига олиб келувчи янги эҳтиёжларни ва шу билан бир вақтда уларни қондиришнинг янги имкониятлари пайдо бўлишини;
- дунё бозорида давлат ишончининг ўсиши ва ўрнининг мустақкамланишини,

Бу эса халқаро айирбошлашнинг нисбатан устунлик қонунига мувофиқ кўшимча харажатсиз миллатлар даромадини оширишга олиб келади.

Шу билан бирга иқтисодий ўсиш айрим салбий оқибатларга ҳам эга.

Уларнинг ичида энг кўзга ташланадигани атроф муҳитга ортиқча зўр берилиши ва натижада уни ифлосланиши.

Барқарор иқтисодий ўсиш учун шароитларни таъминлаш давлатнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. У тартибга солиш таянчларидан фойдаланиб, иқтисодий ўсишнинг ижобий томонларини кучайтириш ва салбий томонларини текислаш имконига эга.

Аммо, ҳозирги шароитда иқтисодий ўсишни таъминловчи интенсив омилларнинг аҳамияти кескин ошиб кетди. Чунки, бунда иқтисодий ўсиш иқтисодий ресурсларни миқдоран ўзгариши ҳисобига эмас, балки улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, яъни омиллар унумдорлиги (ΔА/А) ўсиши ҳисобига эришилади. Ишлаб чиқариш кўшимча ўсиш суръатининг бу қисми ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши ҳамда капитал ва меҳнат ҳиссаси ўртасидаги фарқ сифатида қолдиқ қоидаси буйича ҳисобланади. Омиллар умумий унумдорлигининг (ΔА/А) улуши Роберт Солоу томонидан



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

ҳисоблаб чиқилган ва ишлаб чиқариш функциясига киритилган. Шунинг учун ҳам бу тенгламани баъзан Солоу модели деб аташади.

Сўнги ўн йилликларда, ижтимоий ва экологик муаммоларни кучайиши билан, деярли барча мамлакатларда иқтисодий ўсиш аввало аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг шарти сифатида қаралмоқда. 50-60 йилларда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш зарурлиги сабабли ривожланган мамлакатларда амал қилган иқтисодий ўсишнинг миқдорий назарияси ўз ўрнини иқтисодий ўсишнинг сифат назариясига бўшатиб берди. 70-йиллар охиридан бошлаб жаҳонда муҳим ривожланиш ғояси тобора тарқалиб бормоқда. Унинг асосий тавсифи келажак авлодлар эҳтиёжини, яъни экология жиҳатдан чеклашлар ва аҳолининг камбағал қатламлари эҳтиёжларини ҳисобга олишдир.

Деярли барча мамлакатларда давлат сиёсати иқтисодий ўсишнинг қуйидаги муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган:

- истеъмол даражаси юқори бўлган иқтисодиётнинг барқарор ҳолатини таъминлашга қаратилган омонат жамғариш меъёрларини танлаш;
- аҳоли ўсишини тартибга солиш;
- фан-техника тараққиётининг экология жиҳатдан хавфсиз ютуқларини жорий этиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш.

Иқтисодий ўсишнинг ижтимоий йўналтирилганлиги кучайиб бориши билан иқтисодий назария ва амалиётда аҳоли турмуш даражаси тушунчаси жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг энг муҳим мезонлари сифатида янада аниқланмоқда ва кенгайтирилмоқда.

Аҳолининг турмуш даражасини ижтимоий ривожлантиришда ва дастурлашда ҳар бир соҳанинг ривожланишини белгиловчи асосий ва қўшимча кўрсаткичлар қўлланилади. Қўшимча кўрсаткичлар асосий кўрсаткичларни тўлдириб боради. Масалан, коммунал хўжалиқда асосий



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

кўрсаткичлар бўлиб, турар жой фонди ҳисобланади. Унга қўшимча равишда қўлланиладиган кўрсаткичлар шу фондни сифат томонидан белгилайди. Булар турар жойни газлаштириш, сув билан таъминлаш, иссиқлик билан таъминлаш ва ҳоказо кўрсаткичлардир. Соғлиқни сақлаш соҳасида асосий кўрсаткич бўлиб, касалхоналардаги ўринлар сони ҳисобланади. Қўшимча кўрсаткичлар дори-дармонлар билан таъминлаш даражаси, врачлар сони, ҳамширалар сони ва ҳоказолардир. Бу кўрсаткичларнинг барчаси даволаниш қийматини ҳисоблаганда ишлатилади. Демак, ижтимоий прогнозлаштиришда биринчи навбатда асосий кўрсаткичлар бўйича ривожланиш мақсади ишлаб чиқилади ва ундан сўнг шу мақсадни ресурслар билан таъминлаш аниқланади. Ресурслар билан таъминланиш даражаси ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Бунда, давлат ва маҳаллий бюджетга қараб ресурслар ажратилади.

Аҳоли истеъмол даражасини прогнозлаштириш жараёни—бу маҳсулотларни истеъмол қилиш таркибини аниқлашдир. Бунда, албатта, ҳар бир инсоннинг замонавий, ижтимоий-иқтисодий, жисмоний талаблари ҳисобга олинади. Истеъмолнинг реал даражасини ифодалаш учун хизматнинг ижтимоий фондлари ҳисобидан аҳоли бепул ёки имтиёзли шаклда оладиган ижтимоий-маданий хизматини ҳамда аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжалигидан чиқадиган истеъмол маҳсулотларини ҳам ҳисобга олиш керак. Аҳоли истеъмоли даражасига истеъмол фонди миқдорининг динамикаси билан бирга аҳолининг ижтимоий таркиби ва сонининг ўсиш суръати таъсир этади.

Турмуш даражасининг ўсиши аҳоли сони ўсишининг секинлашувига истемолчилар сони ўсишининг сустлашувига олиб келади. Бозор иқтисодиёти қонуниятларидан яна бири турмуш сифатини кўтарилиши бўлиб, бу истемол сифатида ўз аксини топади. Истеъмолдаги ўзгариш



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

сифатли товарлар қисмининг кўпайиб бориши, даромаднинг борган сари юқори сифатли товарларни кўпроқ сотиб олишга қаратилиши мазмунига эга бўлади.

Турмуш даражаси икки хил бир-бирига боғлиқ кўрсаткичларга, яъни қиймат-пул ва моддий-натурал кўрсаткичларга эга. Пул кўрсаткичлари жуда кўп. Лекин энг муҳими реал даромаддир, қайсики, пул даромади миқдори. мажбурий тўлов ва чегиришлардан ахоли ихтиёрида қоладиган қисми ва сўнгра баҳоларга боғлиқдир. Пул даромади кўпайиб, баҳо ўзгармай турса реал даромад ошади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521)
2. Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р. “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси”. Ўқув кўлланма -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004 й.
3. Ricardo, David (1817) On the Principles of Political Economy and Taxation. Piero Sraffa (Ed.) Works and Correspondence of David Ricardo, Volume I, Cambridge University Press, 1951, p. 135.
4. Спенсер, Г. Социальная статика. Изложение социальных законов, обуславливающих счастье человечества. – СПб: В. Врубелевский, 1906
5. Мальтус, Т.Р. опыт закона народонаселения / Т. Мальтус; Сокр., пер. И.А. Вернера. – М.: М.Н. Прокопович, 1908. – 180 с.
6. Rowntree B.S. Poverty: A Study of Town Life. – L.: Macmillan, 1901. – 289 p
7. Пардаев М.Қ., Пардаев О. Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари. Рисола. Самарқанд, 2020.